Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 16 июнь чоршанба

Сотувда эркин нархда № 118 (2156)

БЕДОР ЎЙ

Нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдан мақсад — жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш. Сиёсий ва ижтимоий соҳада эса давлат тизимларига муқобил куч сифатида улар адолат тарозисини ҳаётда ҳукмрон қилишга ҳисса қўшишлари лозим.

Ислом КАРИМОВ

Мамлакатимиз банкларига четдан бир назар

Ўзбекистон: МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ҲАҚИҚИЙ ЕТАКЧИ ДАВЛАТ



Яқинда Европанинг нуфузли "Euromoney" молиявий журналида "Ўзбекистон: Марказий Осиёдаги ҳақиқий етакчи давлат" сарлавҳали мақола босилди. Бугун газетхонлар эътиборига шу мақола таржимасини ҳавола этамиз.

"Собиқ Совет Иттифоқи республикаларининг кўпчилиги молиявий тангликка учраган пайтда Ўзбекистон ислоҳотлар йўлидан дадил бормоқда. Ўн бешта собиқ совет республикалари орасида фақат Ўзбекистон шу ўн йилликда ўз саноат ишлаб чиқаришини тўла қайта тиклашга муваффақ бўлди... Собиқ Иттифоқдаги бошқа мамлакатларни ташвишга солган молиявий таназзулга қарамай, Ўзбекистонда бу йил ҳам ишлаб чиқаришнинг ўсиши кутилмоқда.

Ўзбекистон учун бозор иқтисодиётига осонроқ ўтишнинг дастлабки ва, эҳтимолки, энг асосий сабаби — сиёсий барқарорликдир. Президент Ислом Каримовнинг қатъиятли раҳбарлиги остида Ўзбекистон бозор иқтисодиёти сари босқичма-босқич ҳаракат қилиб, самарали ислоҳотларни изчиллик билан амалга оширишга муваффақ бўлди.

Мамлакат аҳолиси бошқа собиқ совет республикалари фуқароларига нисбатан бозорнинг таъсирчанлигига табиий равишда кўпроқ ишонади. Чунончи, коммунизмни бартараф этиш баъзи қўшни мамлакатларда танглик келтириб чиқарган бир пайтда ўзбеклар 1991 йилда мустақилликка эришгандан сўнг ўз миллий маданияти манбаларига қайтмоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг катта ҳисобланган ва 24 миллион аҳоли яшайдиган Ўзбекистон Республикаси табиий ресурсларга жуда бой. Маълумки, мамлакатда газ заҳиралари 3 триллион куб метрни ташкил этади ва яқин вақт ичида яна 2 триллион куб метр ўзлаштирилиши мумкинлиги мутахассислар томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Мамлакат тахминан 4 миллиард тонна нефть заҳиралари билан ҳам фахрланишга ҳақли. Ўтган йили Ўзбекистонда 8 миллион тоннага яқин нефть хомашёси қазиб чиқарилди. Бу энергетика мустақиллигига эришиш ва ички бозор талабларини қондириш учун керагидан ҳам ортиқдир.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Б.С.Урдашевни Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Бахтиёр Султонович Урдашев Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 15 июнь.

ИШЧИЛАР УЧУН ШАҲАРЧА

Қўнғирот сода заводининг иккинчи навбати қурилиши қизғин давом этмоқда. Шу билан бирга, бу ерда ишчилар шаҳарчаси ҳам кун сайин қад ростлаяпти. Ўтган даврда мазкур шаҳарча ҳудудида ҳар бири 96 хонадонли 6 та турар жой биноси, 30 хонадонли 3 та ётоқхона, 250 ўринли ошхона, 50 нафар хўрандага мўлжалланган қаҳвахона, 320 ўринли мактаб, 2 та озиқ-овқат дўкони, новвойхона, маиший хизмат уйи қурилиб, фойдаланишга топширилди.



СУРАТЛАРДА: «Қорақалпоқсаноатфуқароқурилиш» акционерлик жамияти бунёдкорлари Нуржон Холжонов, Мурод Қозоқбоев ва Ҳайрат Қиличбоев; қурилиш участкасида; бўёқчи Худойберди Қулдориев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган суратлар.

Мустақилликнинг 8 йиллигига

АСОСИЙ МАҚСАД — БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Бухоролик Гуландом Жабборова мамлакатимизда биринчи бўлиб ана шундай хайрли ишни бошлади. Ўрта бўйли, кўтмагина, қорачадан келган, тиниб-тинчимас бу аёл билан тасодифан танишиб қолдим. Гуландом Жабборова болалар сайёҳлиги билан шуғулланувчи "Эра" номли фирма очган экан.

— Дам олиш кунларининг бирида,— дея ҳикоя қилади Гуландом,— бошланғич синфда ўқиётган қизим Азиза ва ўғлим Назаржонни эски шаҳарни сайр қилишга олиб чиқдим. Арк қалъаси, Ситораи Моҳи Хосса, Масжиди Калон, Сомонийлар мақбараси, Лаби ҳовуз каби обидаларни томоша қиларканмиз, фарзандларимнинг қувончдан кўзлари порлар, болаларга хос саволларининг эса чеки йўқ эди. Тўғриси, олий маълумотли бўлсам-да, шаҳримиз тарихига оид кўплаб маълумотларни ўзим ҳам билмас эканман.

Шунда хаёлимга шаҳримиздаги минглаб ўқувчиларни тажрибали гид ҳамроҳлигида саёҳатга олиб чиқишни ташкил қилса бўлмайдими, деган фикр келди. Очиғини айта қолай, бунда мен шахсий даромад орттиришни сираям хаёлимга келтирмадим. Чунки, таъбир жоиз бўлса, мен ҳар томонлама таъминланганман. Бундан етти йил муқаддам вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Ҳамдард" фирмасини тузганман.

Мени ажаблантиргани шу бўлдики, мамлакатимизда ўнлаб сайёҳлик компания ва фирмалари бўлса-да, уларнинг биронтаси ҳам болалар туризми билан шуғулланмас экан.

Шу боис "Эра" болалар сайёҳлигига ихтисослашган фирмани ташкил қилишдан асосий мақсад — кичкинтойларимизнинг она-юрт тарихини янада яхши билиши, дунёқараши серқирра бўлишидир.

Фирмани очишдан ҳам унга болаларни жалб қилиш қийин кечди. Бу борада бизни биринчи бўлиб шаҳримиздаги 16-мактаб директори Ринат Мирхонов қўллаб-қувватлади. Ишни 40 нафарга яқин ўқувчиларни кондиционерли, видеомагнитофони бўлган автобусда сайр қилдиришдан бошладик. Бор-йўғи 150 сўм тўлаган болалар кечга қадар шаҳримиздаги осори-атиқаларни, музейларни томоша қилдилар. Гид ҳам эринмасдан болажонларнинг барча саволларига жавоб қайтарди. Автобусда ҳам болалар зерикишмас, уларга қизиқарли мультфильмлар, шаҳар тарихига оид видеофильмлар намойиш қилинди. Болаларнинг қувончи эса чексиз эди.

Янгиликнинг қаноти бор, деганларидай, болалар қадимий шаҳар бўйлаб саёҳатлари тўғрисида тенгдошлари билан ўртоқлашган шекилли, буёғига ишимиз юришиб кетди. Бошқа мактаблардан ҳам мурожаат қилувчилар кўпайди. Болалар, ота-оналар таклифи билан энди Бухоро шаҳри билан чекланиб қолмадик. Вилоятимиздаги Варахша, Пойкент қўриқхонаси, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуига ҳам саёҳатлар ташкил қила бошладик. Яқиндан бошлаб эса Болгариянинг "Класс холидейс" ва Финляндиянинг болалар туризмига ихтисослашган "Корвиета" фирмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйдик.

Болаларни жондан севувчи Гуландом Жабборова билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Унинг хайрли ва савоб ишларида омадлар тилаб, хайрлашдик.

Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.

«ҒАЛЛА-99»

ОҚОЛТИНЛИКЛАР

ғалла майдонида ҳам, футбол майдонида ҳам музаффар бўлади

Оқолтин тумани ҳокимиятига кириб борганимда, дастлаб ҳоким муовини Раҳматулла Билоловга дуч келдим. Хали ҳол-аҳвол сўраб улгурмасимдан, у Боёвутга кетаётганлигини айтди. «Хозир ғалла ўрим-йиғими пайти, балки бирор техника зарур бўлиб қолгандир», ўйладим мен. Аммо Раҳматулланинг шавқи бўлакча эди.

— Бугун боёвутликлар билан футбол ўйнашимиз керак, — изоҳ берди у ҳайрон бўлаётганлигимни кўриб. — Йигитларимиз жиддий тайёргарлик кўришган.

Мен нима дейман-у, қўбизим нима дейди.

Сўнгра мен туман ҳудудига кираётиб сербошоқ ғаллазорларни кўрганлигим, ғаллазорларда комбайнлар пишқириб сузиб юрганлигини, шулар ҳақида қоғоз қоралаш ниятим борлигини айтдим.

— Сиз Қодировга учрашингиз керак экан, — деди у. — Юринг, у билан таништирай.

— Турсунмамат ака, сизга келишибди, — деди у бошқа бир эшикни очиб. Сўнг у мен билан илиқ хайрлашиб кетди. Ҳатто уларга омад тилашга ҳам улгуролмай қолдим.

Турсунмамат ака деганлари давангир одам экан. Кураш тушса Эрали полвонни ҳам ер тишлатади.

Ҳокимнинг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича муовини Т. Қодиров билан суҳбатимиз қизғин кечди. Гап орасида Билолов билан учрашув ва ҳайратларимни ҳам унга айтиб бердим.

— Ҳайратланманг, — деди кулиб Турсунмамат ака, — бизда шундай. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Ҳар ким ўз иши билан шуғулланганги маъқул. Биз бирор воқеани кампаниябозликка айлантирмаймиз. Футболчи футбол майдонида, деҳқон ғалла ёки пахта майдонида «от» сургани яхши. Бирини қўйиб, иккинчисига ёпишсанг, иккала ишнинг ҳам ишкали чиқади. Айтадиларку, икки қайиқни ушлаган...

— Келинг, бўлмаса, ўзингизнинг «қайиғингиз» аҳволи ҳақида гапиринг.

— Тумандаги умумий майдон 54 минг гектарни ташкил қилади, — дейди у ёнидаги қоғозларни варақлар экан. — Шунинг 20 минг 920 гектари пахтазор, 13 минг 880 гектари ғаллазор. Ўтган йили ҳам шунча майдонга ғалла экилганди ва давлат буюртмасини ҳам бажаргандик. Бу йилги режамиз 31 минг 958 тонна. Агроном ва бошқа мутахассисларнинг биологик прогнозига кўра, ҳосилдорлик 31,5 центнерни ташкил этиши керак.

— Ўрим қачон бошланди?

— Июннинг саккизинчисида ғаллазорларимизга комбайн кирди. Туман МТПсидаги 13 та «Кейс» ва 42 та Россия комбайни тўла далага чиқарилди. Янги тақсимот бўйича яна 6 та «Кейс» олишимиз керак. Ҳисобкитобларимизга кўра, ўрим-йиғим 25 иш кунида ниҳоясига етади.

— Дарвоқе, бу йил ғаллачиликда занг касаллиги деган гаплар тарқалганди...

— Тўғри, ундан биз ҳам «бенасиб» қолмадик. 100-150 гектар майдондаги ғалламиз хасталанди. Занг дегани, энг аввало, барглари қувратади. Натижада майсадаги модда алмашуви жараёни бузилади. Бу, табиийки, ҳосилга катта таъсир қилади. Биз ўз вақтида профилактик тадбирлар ўтказдик ва ҳосилни сақлаб қолдик. Туманимизда бегона ўтларга қарши кураш занг касаллиги билан олишувдан кўра қизғин кечади. Биласизми, Мирзачўлнинг марказида жойлашганмиз. Бошқа минтақаларга қараганда бизда ишчи кучи кам, бундан ташқари, чўл ерлари алоҳида меҳр-муҳаббат талаб қилади. 12 минг гектар майдонга гербицид сепиб чиқдик. Бу тадбир учун 252 кг. гербицид сарфланди.

— Фермер хўжаликларининг аҳволи қалай?

— Туманда 66 та фермер хўжалиги бор. Ўтган йили уларнинг сони 31 та эди. 4192 тонна ғалла топширишлари керак. Бу кўрсаткич туман ғалла хирмонининг 13 фоизини ташкил қилади. 2 та хўжалигимиз эса тўла оилавий пудрат асосида иш юритмоқда.

Шавкат Умматқулов бир пайтлари тумандаги энг катта хўжалик — Усмон Носир номли хўжаликда бош агроном эди. Яқинда уни Улуғбек номли жамоа хўжалигига раис этиб сайлашибди. Биз борган куни хўжалик йиллик режанинг 10 фоизи миқдорида ғалла топширган экан. Бунинг сабаблари бор, албатта. Ҳозир хўжалик ғаллазорларида 2 та «Кейс» ва 2 та Россия комбайни тинимсиз ишламоқда. Оилавий пудратчилар 70 фоизни ташкил қилади. Уларнинг ҳар бирида 15 гектардан 60 гектаргача майдон бор. Режа бўйича 2122 тонна ғалла етиштирилиши керак. 173 тонна ғалла натура шаклида одамларнинг ўзига тарқатилиши кутилмоқда.

Ўрим-йиғимни 25-26 июнда тугаллаш ниятида меҳнат қилаётган Шавкат Умматқуловга савол берамиз:

— Ғалладан бўшаган майдонларга нима экмоқчисиз?

— Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув, дейдилар. 30 гектарга маккажўхори, 10 гектарга мош, қолган майдонларга полиз ва сабзавот экинлари экмоқчимиз...

Укубоев номли хўжаликка нақ тушлик пайтида етиб келдик. Хўжалик ташқи бошқарувчиси Абдуғани Турусқулов даланинг бошида қўй сўйдириб, ишчиларига ош бераётган экан. «Кейс» ҳайдовчиси Азамат Зарипов билан суҳбатлашамиз.

— Сиз бу ерда овқатланаяпсиз, «Кейс»ингиз ғаллазорда юрибди, пульт билан бошқараяпсизми?

— Йўғ-е, — дейди у кулиб, — укам Шуҳрат ҳайдаяпти, биз уч ака-укамиз. Уч йилдан буён «Кейс»дамиз.

— Қанча маош олаяпсиз?

— Яқинда 3000 сўм аванс олдим. Бундан ташқари, гектарига ҳам, тоннасига ҳам ҳақ оламиз.

— Қанчадан?

— Бир гектарига 1200 грамм, тоннасига 1800 граммдан ғалла беришади. Яқинда хўжалик раҳбари 1 қоп ун ва 20 кг. мой ҳам берди.

Хуллас, биз туман далаларида одамларнинг юксак кўтаринкилик руҳида ишлаётганлигини кўрдик. Зеро, бундай завқли меҳнатга асос ҳам бор. Негаки, мўл ҳосилдан дарак бериб сокин тебранаётган ғаллазорлар уларга илҳом бахш этмоқда, кучига куч, қувватига қувват бағишламоқда.

Сўнгги сўз: мақола тайёр бўлгач, Оқолтиндан сим қоқиб қолишди. Туман футболчилари боёвутликларни «чарм тўп» усталари ҳаётида камдан-кам содир бўладиган ҳисобда (14:2) мағлубиятга учратишибди. Бешинчи ҳаёлимиздан кечган ўй шу бўлди: футбол майдонида зафар қучган оқолтинликлар ғалла майдонида ҳам музаффар бўлажак!

Эсиргап БОЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СИЁСИЙ ФАОЛЛИК

XXI аср сари

сиёсий институтлар фаолиятининг маҳсули

Аҳолининг сиёсий фаоллиги чиндан ҳам, энг аввало, жамиятда сиёсий институтлар — партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари нечоғли шаклланганги ва ривожланганига бевосита боғлиқдир. Сиёсий институтлар фаолияти мустаҳкамланганги сайин аҳолининг сиёсий фаоллиги ҳам ортиб боради.

Сиёсий институтлар шаклланиш жараёнини икки босқичга бўлиш мумкин. Бизда айни пайтда биринчи босқич тугалланиб, сиёсий институтларнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Иккинчи, навбатдаги босқич эса уни мустаҳкамлаш, ривожлантиришдан иборатдир. Ана шу жараёнларнинг изчил ва мукаммал натижаси ўлароқ, жамиятда жамоатчилик назорати шаклланади. Бунинг учун Президентимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, **"одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур".**

Аҳолининг сиёсий фаоллиги ошишининг аҳамияти шундаки, бу ўша жамиятни янада барқарорлаштиради, мустаҳкам пойдевор яратиш, чуқур илдиз отишига имконият яратади. Сиёсий институтлар биз олдимизга мақсад қилиб қўйган ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш учун кўприк вазифасини ўтайди. Бундай улкан иншоотни, табиийки, сиёсий институтларсиз бунёд этиш мушкул.

Шу ўринда савол туғилади: модомики, сиёсий институтлар зиммасига ана шундай улкан масъулият юкланган экан, улар бу вазифани бугунги кунда қандай адо этаяпти? Маълумотларга қараганда, айни пайтда сиёсий институтларнинг сони 2300 тага етган. Бу бир қарашда кўпдек туюлади. Лекин уларнинг "аҳоли фикрининг турли кўринишларини ифода этиши, одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга фаол таъсирини" назарда тутадиган бўлсак, кўп эмасдек. Одамлар турфа қиёфа-кўринишга эга бўлганидек, фикр-ўйлари, қарашлари, қизиқишлари, вазифа ва муносабатлари, мақсадлари, қўйингки, манфаатларигача турли-тумандир. Айрим мамлакатларда ҳатто дарахтларни, ўсимликларни ҳимоя қиладиган сиёсий партиялар, ҳаракатлар мавжуд. Тўғри, биз бунга ҳозирча ажабланишимиз мумкин. Лекин жамиятда шундай кишилар мавжуд экан, улар шу нарса зарур ва керак деб, уни тузган ва шу мақсад йўлида бирлашган эканлар, бунга жамият эҳтиёжи, фуқаро манфаати сифатида қарамоқ керак.

Ҳар қандай уюшма ёхуд ташкилот, табиийки, қандайдир манфаат устига қурилган, бирлашган бўлади. Манфаатдорлик қанчалик кўп бўлса, ҳаракат ва фаоллик ҳам шунчалик кучайиши шубҳасиз. Президентимиз бу ҳақда "Нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдан мақсад — жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш"дан иборат, деган эдилар.

Табиатда бўлгани каби жамиятда ҳам бўшлиқ пайдо бўлдими, унинг ўрнини ўша заҳотиёқ бошқа воситалар эгаллашга интилади. Кўп узоққа бормай, жамиятда асосий ва ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган ёшларни мисол қилиб олайлик. Ёшлар табиатан қизиқувчан, анчайин мўрт, лекин шижоатли тоифа бўлади. Очиқ айтиш керак, мавжуд ижтимоий-сиёсий ташкилотлар маълум муддат ана шу тоифанинг қизиқиш ва манфаатларини қониқтира олмади. Натижада ана шу нуқтада катта бир бўшлиқ пайдо бўлди. Лекин бу бўшлиқ бўшлиқ бўлиб узоқ тургани йўқ: унинг ўрнини дарров бошқа кучлар, яъни ақидапарастлар тўлдирди. Ва ана шу нуқсон, камчиликлар натижаси ўлароқ, 16 февралдаги фожиали воқеаларнинг асосий иштирокчилари ёшлар бўлиб чиқди. Юртбошимиз ана шуларни назарда тутиб, Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясидаги маърузасида: "Бизнинг бегам, лоқайдлигимиз, ишимиздаги камчиликлар оқибатида улар жиноий гуруҳлар, экстремистлар таъсирига, диний мутаассиблар таъсирига тушиб қолган. Бу, аввало, сиёсий-ижтимоий соҳадаги муайян нуқсонлар, энг муҳими, ёшлар ташкилотлари ва маҳалла кенгашлари ишидаги катта камчиликларни кўрсатади", деб уқтирган эдилар. Бу бўшлиқни бугунми-эртами яна кимдир, нима билан-дир, албатта, тўлдиради. Бу афтидан ёшлар билан ишлайдиган битта-иккита ташкилотга оғирлик қилаётган кўринади. Фидокорлар миллий-демократик партиясининг кейинги саъй-ҳаракатлари — ҳар хил тадбирлар воситасида ёшларни ўзига кўпроқ жалб қилаётгани унинг ана шу бўшлиқни англагани ва тўлдиришга жазм қилаётганидан дарак беради.

Ёшлар ҳар қандай жамиятда, шунингдек, бизнинг жамиятда ҳам катта кучдир. Модомики, Президентимиз уларга ишонаётган, мамлакатимиз истиқболини таъминлайдиган асосий куч сифатида қараётган экан, бугунги кунда ҳар хил қизиқиш, манфаат, нуқтаи назарга эга бўлган ёшларни катта ва буюк мақсадларимиз теварагида бирлаштира оладиган, уларга хос ва мос сиёсий институтларни шакллантиришимиз лозимга ўхшайди. Бугунги кунда ёшлар масалалари билан боғлиқ миллий мафкура, ёшлар ва сиёсий институтлар бирлиги шаклида мамлакат миқёсида Ёшлар фаолияти дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Буни кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиз сирасига киритишимиз, 16 февраль фожиалари иштирокчилари асосан ёшлар эканини ҳисобга олган ҳолда, ҳаммамиз бундан тегишли сабоқ ва хулосалар чиқаришимиз даркор. Ёшлар билан бевосита боғлиқ бўлган, уларнинг манфаат, қизиқишларини ифода этадиган ташкилот, муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш керак. Миллий мафкура ва сиёсий институтлар фаолиятини уйғунлаштирадиган, ҳаракатга келтирадиган механизмни яратиш, мукаммаллаштириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бирига айланмоғи лозим.

Янги аср остонасида турибмиз. Президентимиз шу боис янги асрда сиёсий соҳани, давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштиришни биринчи устувор йўналиш сифатида белгиладилар. Бу жараёнларни амалга оширишнинг асосий омили — инсон, яъни шу мамлакат фуқаролари экан, энг аввало, "аҳолининг сиёсий фаолиятини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарамақарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмни шакллантириш зарур". Ана шунда олдимизга қўйилган буюк мақсадларга ҳеч қандай талафотсиз, табиий йўсинда эришамиз.

Исмат ХУДОЁРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ҲУҚУҚИЙ, ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ САРИ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси дунёдаги энг нуфузли халқаро ташкилотлар даврасида ўзининг амалий таклиф ва ташаббуслари билан иштирок этиб, барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида муносабатлар олиб бормоқда. Жаҳоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига интеграциялашув жараёнида Ўзбекистоннинг халқаро сиёсатдаги таъсири тобора ортиб, мавқеи мустаҳкамланиб бораётир.

Жумладан, «Мустақилликнинг илк давридаёқ бош ислоҳотчи — давлат ва иқтисод сиёсатдан устун эканлиги, ислоҳотларни босқичма-босқич олиб бориш ва уларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш каби муҳим тамойилларга амал қилаётган Ўзбекистон қисқа вақт ичида иқтисоди мустаҳкам давлатга айланди, — деб ёзади Россиянинг «Новая газета»си. — Бугун Ўзбекистон минтақадаги вазиятга амалда ижобий таъсир кўрсатаётган бир мамлакатдир. Тошкентнинг Марказий Осиёда ядросиз худуд барпо этиш, Афғонистон ва Тожикистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш борасидаги ташаббус ва конструктив таклифларининг БМТ томонидан қўллаб-қувватланиши ушбу фикримизнинг тасдиғидир».

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув ҳақида сўз кетар экан, бу жараёнда энг муҳим йўналишлардан бири — бу, албатта, миллий қонунчилигимизнинг халқаро ҳуқуқий нормаларга мослашганлигидир. Истиқлолимизнинг ўтган саккиз йилга яқин муддати мобайнида Ўзбекистон Республикаси жуда кўплаб халқаро конвенцияларга қўшилди. Халқаро ҳуқуқ талабларига мос равишда ҳаётимизнинг асосий қомуси — Конституциямиз қабул қилинди. Бош қонунимизнинг 11-бандида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида давлат қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятларига бўлинган ҳолда бошқариладi. Қонунчилик органи бўлган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУДСМАН) ва амалдаги қонунлар мониторинг институтининг, ижро тизимида эса Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг ҳамда суд органлари бўлган Конституциявий, Олий суд ва Олий хўжалик судлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мукаммал ҳуқуқий базасини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда бу республикамизда демократик институтлар барпо этилаётганлигининг яққол исботидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон парламенти аъзолари, республикамиз ҳуқуқшуносларининг нуфузли халқаро анжуманларда фаол қатнашиб келмоқдалар. Масалан, яқинда бир гуруҳ ўзбекистонлик ҳуқуқшуносларнинг Варшавада Европа конституциявий судларининг XI конференциясида иштирок этдилар. Ҳар уч йилда ўз йиғилишини ўтказиб турадиган Европа конституциявий судларининг конференцияси биринчи бор 1972 йили бўлиб ўтган эди. X конференция эса 1996 йили Будапештда ўтказилди. Анжуман иштирокчилари Европа конституциявий судлари олдида турган энг муҳим масалаларни муҳокама қилиб турадилар. Жумладан, конституциявий судлар иш тажрибасида учрайдиган муаммолар ечимини топиш, ҳуқуқий соҳада ўзаро ҳамкорлик қилиш, ахборот айирбошлаш каби масалалар юзасидан фикр алмашадилар.

Варшава конференциясида 23 давлатнинг делегациялари: конференциянинг тўла ҳуқуқли аъзолари, шартли аъзолари, шунингдек, Европадаги қатор ҳуқуқий ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар. Биз анжуманда иштирок этган ўзбекистонлик ҳуқуқшуносларнинг делегацияси раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Баҳодир ЭШОНОВ билан учрашиб, ушбу халқаро анжуманда кўрилган масалалар ва орттирилган тажрибалар ҳақида суҳбатлашдик.

— Баҳодир Отабоевич, Европа конституциявий судларининг XI конференцияси кун тартибига қандай масалалар қўйилган эди?

— Навбатдаги XI конференцияда учта масала кўриб чиқилди. Биринчиси, Европа конституциявий судларида диний эътиқод масаласи қандай ҳал қилинаётганлигини ўрганиш. Иккинчиси, Европа конституциявий судлари Низомини қабул қилиш. Учинчи масала, Европа конституциявий судларига тўла ҳуқуқли ва шартли аъзоларни қабул қилиш. Конференцияни очган Польша Республикаси Президенти А. Квасьневский бугунги кунда конституциявий судлар барча давлат органларини конституциядан келиб чиқадиган тамойиллар ҳамда қадриятлар билан боғлаб туришини ва улар конституциянинг асосий ҳимоячиси бўлиб ҳисобланишини таъкидлади. Конференцияда виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқи эканлиги, бу ҳуқуқ ҳар бир давлатда эъзозланиши ва унга амал қилиниши қайд этилди.

— Ўзбекистон вакилларининг ушбу анжуманга ташрифи нима билан изоҳланади? Яъни, бизнинг республикамиз бу конференцияга аъзо бўлиши мумкинми?

— Низомга мувофиқ, фақатгина Европа қитъасида жойлашган давлатларгина конференцияга аъзо бўлишлари кўзда тутилган. Шунга қарамасдан, биз конференция ишида фаол иштирок этиб келмоқдамиз. 1997 йилда ушбу анжуманга тайёргарлик мажлисида ҳам иштирок этган эдик. Шу боис ҳам бизнинг делегациямизга ўзига хос ҳурмат билан қарашди. Мажлис расман учта тилга, яъни инглиз, француз, немис тилларига таржима қилинганлигига қарамасдан, Ўзбекистон делегациясига махсус таржимон бириктириб қўйилди. Бизнинг конституциявий судимизга доимий кузатувчи мақомини бериш ҳақида қарор қабул қилинганлигининг ўзиёқ ўзбекистонлик ҳуқуқшунослар билими ва обрўсига бўлган эътибор ҳамда Европа конституциявий судларининг республикамиз билан ҳамкорлик қилиш ниятида эканликларидан далолатдир.

— Ўзбекистон Республикаси конституциявий судига доимий кузатувчи мақомининг берилиши конференция ишида янада фаол иштирок этиш, аъзо мамлакатлар иш тажрибалари билан яқиндан танишиш имконини беради, албатта. Шу ўринда яна бир савол бермоқчиман, нима учун айнан Европа конституциявий судлари билан ҳамкорликка интилаяпмиз?

— Бунинг сабаби шундан иборатки, Европа давлатларидаги конституциявий судлар катта тажрибага эга. Масалан, Австрия Конституциявий судини оладиган бўлсак, у асримизнинг 20-йилларида ўз фаолиятини бошлаган. Германия, Венгрия, Италия, Польша, Франция каби мамлакатлар конституциявий судлари ҳам катта тажриба тўплашган. Шунинг учун ҳам биз Европа конституциявий суди моделини танлаганмиз.

> ***...Энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур.***
>
> **(Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасидан).**

Конференцияга қадар Польша, Чехия, Словакия, Германия, Франция конституциявий судлари билан ҳамкорлигимиз йўлга қўйилган эди. Энди конференцияга аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан ҳам ана шундай алоқаларни кенгайтиришни режалаштиряпмиз.

— Бошқа қитъаларда ёки ҳудудларда ҳам мана шундай анжуманлар, йиғилишлар бўлиб турадими?

— Ҳа, албатта. Масалан, Францияда бўлиб ўтадиган француз тилида сўзлашувчи давлатлар конституциявий судларининг йиғилишида судлар фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Испан тилида сўзлашадиган давлатлар конституциявий судлари ўртасида ҳам шундай йиғилиш ўтказиб турилади. Унга Белорусь, Россия, Арманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон Республикалари аъзо. Лекин биз учун энг муҳими ва маъқули Европа конституциявий судларининг танлаган йўли ва моделидир. Мана шу конференцияда бизга доимий кузатувчи мақоми берилганлиги Ўзбекистон демократия ва тараққиёт йўлидан бораётганлигининг эътироф этилиши, қолаверса, республикамизда демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларимизга берилган баҳо, деб қарашимиз лозим.

— Баҳодир Отабоевич, конференция кўрилган масалалардан бири конституциявий судлар тажрибасида виждон эркинлиги ва диний эътиқод масалалари, дедингиз. Бу қайсидир маънода, бугунги кунда бизнинг конституциявий судимиз олдида турган масалалардан ҳам бири, дейиш мумкин. Тўғри, Европада бу масалада ўзига хос қарашлар, ёндашишлар бўлиши табиий. Шундай экан, виждон эркинлиги ва диний эътиқод масаласи қандай ҳал этилиши керак?

— Конституциямизда ёзилганидек, ҳар бир фуқаро қайси динга эътиқод қилишни ўзи ҳал этади. Бирорта фуқарони сен бу динга эътиқод қил, ёки эътиқод қилма деб мажбурлаб бўлмайди. Иккинчи муҳим жиҳати шундаки, бизда дин давлатдан ажратилган. Давлат диннинг ишига аралашмайди, дин давлатникига. Учинчи муҳим йўналиш — дин ўз ишини қилиши керак. Яъни, дин жамиятда тотувлик, фуқароларда энг яхши фазилатларни шакллантириш, тарбиялаш ишига хизмат қилиши лозим. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» бўлиши керак. Лекин дин бизда ҳам, барча дунёвий давлатларда бўлганидек, ҳеч қачон ҳукумат ишига, қонунчилик, суд ишларига аралашиши мумкин эмас. Чунки бизда, яна бир бор айтаман, дин билан давлат бир-биридан ажратилган. Лекин давлат дин фаолиятини тартибга солиб туриши керак. Зотан, диний ташкилотлар ўз низомида кўрсатилган тартибда фаолият кўрсатиши муҳимдир. Акс ҳолда унинг фаолияти тўхататилиши мумкин. Яна шуни ҳам қайд этиш лозимки, диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланиш, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 18-моддасида таъкидланганидек, бизда ҳам қатъиян ман этилади.

Албатта, бугунги кунда диний экстремизм, яъни дин ниқоби остида ҳокимият учун курашаётганларга, оддий фуқароларнинг онгини заҳарлаб, уларни нотўғри йўлга бошлаётганларга қарши курашиш муҳим масалалардан бири бўлиб турибди. Конституциямиз ва қонунларимизда ҳам бу нарса аниқ белгилаб берилган.

— Конференцияда Ўзбекистон Республикаси ҳақида, бизнинг тутган йўлимиз, сиёсатимиз ҳақида фикрлар билдирилдими?

— Конференцияда нутқ сўзлаган Польша Республикасининг Президенти А. Квасьневский ва бошқа иштирокчиларнинг чиқишларида 1997 йилда республикамизда қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш» миллий дастуримиз тилга олинди. Агар ҳар бир жамиятда ҳуқуқий маданият янада юксалса, қонун устуворлиги таъминланса, орзу қилинган демократик, ҳуқуқий давлат барпо этилиши мумкинлиги ҳақида тўхталиб ўтилди. Европа конституциявий судларида кўтарилаётган масалаларга биз аслида икки йил аввал эътибор қаратганмиз. Давлатимиз раҳбарининг ғояси асосида ишлаб чиқилган миллий дастўримизнинг бошқа ҳеч бир мамлакатда ўхшаши йўқ. Европада ҳам мазкур дастур эътироф этилганлиги ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида амалга оширяётган стратегик мақсадларимиз тўғри эканлигидан далолатдир.

Ғофур ЖАМОЛОВ
суҳбатлашди.

БАҒРИКЕНГЛИК ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонини республикамиз аҳли, айниқса, аёллар қизғин қабул қилишди. Таҳририятга қўнғироқ қилиб, ўз фикрларини билдираётган аёлларнинг овозидан кўнгилларида жунбуш ураётган ҳис-туйғуларини сезиб олиш қийин эмас.

Малика НИЗОМОВА, республика махсус хотин-қизлар коллежи директори:

— Мен ушбу Фармонни радиодан тингладим. Президентимизнинг аёлларни муқаддас билиб, уларнинг жамиятдаги мавқеи ва ўрнини муносиб баҳолаб, алоҳида эҳтиром кўрсатишга интилаётганлари, буни ҳатто давлат сиёсати даражасигача кўтарганлари мени жуда қувонтирди. Ахир, ўзбекнинг ўтмишда бутун дунё таниган оқилаю фозила, зеҳн ва ҳуснда якто, довюракликда эркакларни ҳам ортда қолдирган буюк момолари бор. Ва ҳозир ҳам баркамол, оқила, оиласини-да эплаб, яна илм-фан ва санъат билан шуғулланишга вақт топган олима ва санъаткор аёллар, каттакатта фирмалар, корхоналар ташкил этиб, нозиккина вужуди ботинида яширин иқтидорини намойиш этаётган тадбиркор аёллари бор ўзбекнинг. Хориждаги манаман деган университетлар олимларини ўз зеҳни ва билими билан ҳайратга солаётган иқтидорли қизларимизни айтмайсизми?

Ўйлайманки, ўзининг зукколиги, ташаббускорлиги,

МУНОСАБАТ

ўқишдаги муваффақиятлари билан алоҳида истеъдодини намоён қилиб таълим олаётган, истиқлол йўлида астойдил меҳнат қилаётган иқтидорли қизларимизга ҳукуматимиз томонидан кўрсатиладиган бундай эътибор уларни рағбатлантиригина қолмасдан, бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб, янада юқорироқ чўққиларга интилишга ундайди. Зулфия номидаги мукофотнинг таъсис этилиши Аёллар йилида Ўзбекистон хотин-қизларига муносиб совға бўлди.

Сайёра ҲАМИДОВА, Тошкент давлат университети қошидаги лицейнинг 11-синф ўқувчиси:

— Халқимизнинг севимли, ардоқли шоираси номидаги мукофотнинг таъсис этилиши Юртбошимизнинг ўзбек қизларига нисбатан нафақат эътибори, балки бизнинг истиқболимизга, иқтидоримизга бўлган ишончининг рамзидир. Иқтидор худди мурғаккина ниҳолга ўхшайди. Эътибор билан парвариш қилинган ниҳолча бир куни келиб соясида шаҳарни эгаллагудек азим дарахтга айланади. Ёшларга билим бериш, баркамол қилиб тарбиялаш учун имкониятлар яратиб бераётган Президентимизни ана шундай ниҳолчаларни меҳр билан парвариш қилаётган боғбонга ўхшатгим келади.

Аёл хулқи, самимий муомаласи ва ташаббускорлиги билан танилган, миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқоди юксак бўлган, республикада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришда фаол иштирок этаётган тенгдошларим талайгина. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши эса уларни рағбатлантириб, янада юксак натижаларга эришишларига даъват этади.

М. ЙЎЛДОШЕВА
ёзиб олди.

МАҲСУЛОТ ХАРИДОРГИР БЎЛСА...

Тошкент тумани «Ҳасанбой» жамоа хўжалигидаги «Каримжон ота» хусусий фирмаси ишлаб чиқараётган макарон ва қандолат маҳсулотлари бугунги кунда анча харидоргир бўлиб қолди. Чунки бу ерда асосий диққат-эътибор маҳсулотларнинг сифатига қаратилмоқда. Шу боис фирманинг иқтисодий қуввати ҳам ошмоқда. Натижада корхонада ишлаётган 14 нафар ишчининг ўртача маоши 7 минг сўмдан 15 минг сўмгачани ташкил этяпти.

СУРАТЛАРДА: корхона ишчиси Дилноза Ғуломова; Сайёра Исфандиёрова ва фирма раҳбари Шамсинур Туробхўжаева тайёр маҳсулотни кўздан кечиришаяпти.

Даврон АҲМАД
олган суратлар.

ШЎРОБОДГА ГАЗ КЕЛДИ

Нуробод туманида аҳолини ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, чўпонлар маданий-маиший турмушини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Кўпи кеча бу ердаги Шўробод қишлоғи хонадонларида ҳам "зангори олов" ёнди. Бунда Жанубий кон бошқармасининг оталиқ ёрдами самоқли бўлди.

Ҳ. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

АЛҲАЗАР

— Мен ўзимдан ҳазар қиламан, ҳазар! — деб ҳайқириб юборди судланувчи Козимбек Зокиров (лақаби «Полвон»). — Менга адвокат тайинланибди. Оқловчидан воз кечаман. Мени ҳимоя қилманг...

Суд зали. Жамоатчилик вакиллари, жабрланувчилар, гувоҳлар, ўзбекистонлик ҳамда хорижий журналистлар, элчихоналарнинг масъул ходимлари — зал тўла одам.

Темир панжара ичида йигирма икки нафар судланувчи жимгина ўйга ботиб ўтирибди. Кимдир айблов ҳужжатларини варақлайди, яна бошқаси ўтган-кетганга назар ташлаб қўяди... Қайдам, нималар кечаётганикин хаёлларидан, кимлар ўтаётганикин кўзлари ўнгидан... Фақат бир нарса аён: сўлғин юзларида маъюслик, эзилган вужудларида ўкинч, афсус аломатлари, чуқур бир хўрсиниқ!

Булар ўша, 16 февраль куни Тошкент шаҳрида Президентга, республиканинг Конституциявий тузумига қарши бош кўтарган, қўпорувчилик, қотиллик ва бошқа ўта оғир жиноятларга қўл урган, ўзини юрт-элдан баланд олган, кеккайган нобакорлар.

Улардан нафақат Козимбек сингари ўзи, балки кенг халқ оммаси, хориждаги эзгу ниятли турли миллат вакиллари ҳам ҳазар қиладилар. Булар, Оллоҳни ўзи асрасин, соф виждонли, иймон-эътиқодли чин инсонларнинг, илоҳиёт ва Қуръонни, масжидни муқаддас билган соғлом замондошларимизнинг тавқи лаънатига учраб, ҳатто ўзидан ўзи ҳазар қилаётган ожиз бандалар. Нафақат ўзлари, ўтган пок аждодлари руҳини қақшатиб, келгуси авлодларини, зурриётларини ҳам халқнинг, жабрдийдаларнинг тавқи лаънатига гирифтор қилиб кетаётган дарди бедаволардир. Уларни шу қабоҳат йўлига бошлаганлар, балоии нафс адойилари, шуҳрату дабдаба, мулку лавозим илинжида динни ниқоб қилиб олган, шариат аҳкомларига гард юқтираётган жоҳиллар заррача бўлса ҳам ачинармиканлар, жонларига оро кира олармикинлар?!

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари Абдусамад Полвонзода раислигида Олий суд судъялари Р. Акбаров ва Н. Бобоевлар суд жараёнини бошлагунча ўртага чўккан сукунат ичида судланувчиларга боқиб, ўйга чўмамиз, мантиқан тасаввур этамиз. Ҳаммалари тоғни урса талқон қиладиган ёшлар. Улар кучларини эзгуликка, бунёдкорликка сарфлаганларида, икки дунё саодатига мушарраф бўлишармиди...

Суд жараёни бошланади.

Биз ўй-фикримизни мухтасар қилиб, саволларимизга жавоб кутиб судланувчиларни кузатамиз. Барчалари йўл қўйган хатоларига иқрор бўлиб, пушаймонликларини айтишади. Алоҳида иш юритувга ажратилган, қўпорувчиликлар содир этган Бегали Султонов — лақаби Икромиддин гувоҳ сифатида кўргазма беради.

У Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида 1976 йилда туғилган. 8-синфни тамомлаган. Ҳужраларда диний таълим олган. Унинг сўзларидан маълум бўладики, отаси фарзандига эмас, балки боласи отасига таъсирини, ҳукмини ўтказган. Ота ўғлини қабоҳат йўлидан қайтариш ўрнига, унинг орқасидан эргашган, унга қўшилган. Бугун ота қаерлардадир сарсон-саргардон, ўғил ҳибсда. Хонадон пароканда. Оила тутунсиз ўртаниб, ёниб ётибди.

Ёшлигидан, айтишича, Оллоҳни, Пайғамбарни, динни ўрганган, ҳаром, ҳалол, гуноҳ, савоб нималигини ўзича тушунган Бегали, кейин Чечнистондаги ҳарбий лагерда таълим олган. Портлатгич моддаларни тайёрлашда қатнашган. Унинг инсонийлик сифатларидан бутунлай маҳрумлигини суд раиси биргина савол билан юзага чиқарди. У ҳам бўлса, айбланувчи раиснинг кўплаб миқдордаги кучли қувватга эга бўлган портловчи моддалар фақат ҳукумат биноларини, давлат аҳамиятига молик муҳим иншоотларнигина эмас, кўплаб бегуноҳ кишиларнинг ҳам ёстиғини бевақт қуритишни билармидингиз, деган саволига, кучли портлашдан атрофдаги барча каттаю кичик, эркагу аёлнинг соғ қолмаслиги муқаррарлигини тан олади. Шуни била туриб бу ажал уруғларини тайёрлашда жонбозлик кўрсатганлигига иқрор бўлади. Чин мусулмон иймонининг камолот даражасига кўра, ўзига нимани раво кўрса, мусулмон қардошига ҳам шуни раво кўрмайдими? Қани эътиқод?

Кейин жабрланувчилар кўрсатма беришади. Далиллар текшириши тамомланади.

Жиноий иқшма иштирокчилари содир этган, ҳаққоний дин — Исломнинг муқаддас ақидаларига зид, гуноҳ ишлари ҳақида борини холисона ҳикоя қилувчи видеотасмалар намойиш этилади.

Мусулмончилик — поклик, хушхулқлилик, ҳаё, инсоф, меҳр-оқибат ва ватанпарварлик эмасми, шунга чақирмайдими? Ислом — оқкўнгил, тоза виждонли ҳақиқий инсонни тарбиялашда ҳеч қачон қўлини қонга ботирмайди.

Суд раиси панжара ортидагиларга гапи бўлса айтиш имкониятини беради.

Жиноий иқшманинг, унинг атрофига тўдаланган судланувчиларнинг ҳол-кудрати шу инкор этиб бўлмас тасвирлардаги мудҳиш далилу ашёларда кўрсатилган портловчи моддалар, қуроллароғлар, ўқ-дорилар, отилган, сўйилган оилалар қонида аён эди. Ҳали булар- бир учқуни. Суд уларнинг барча қора ниятларини фош этади.

Муҳаммад РАСУЛ.

Корхонанинг иқтисодий тараққиёти

ҲАММА НАРСА ЖАМОАНИНГ ЎЗИГА БОҒЛИҚ

— Фирмамизни беркитяпмиз, ишимиз юришмади, банкрот бўлдик, — деб қолди танишим.

— Ишингизга тўсқинлик қилган сабаблар ҳақида ёзайликми?

— Нималар деяпсиз? Асло! Фақат энди фирмамиз номини ўзгартириб, янги лицензия олишимизга, ҳамма ишни қайтадан бошлашимизга тўғри келади. Бизнесда ўн марта ишингиз юришмаса ҳам, ўн биринчисида омадингиз келиши мумкин...

Бизнесда аниқ режа тузиб олмаслан туриб, таваккалига, омад келишига умид қилиб, фойдали иш бошлаган ташкилотчилар ҳам зарар кўриб қолади. Уларнинг бир ўзи эмас, ишга таклиф қилинган одамлар, кенгроқ олиб қараганда, мамлакат иқтисодиёти ҳам бундай таваккалчиликдан зарар кўради. Шу боисдан, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналарда ишлаб чиқариш муаммолари қандай ҳал этилаётганига бефарқ қараб тура олмайди. Бу ишга кўплаб маблағ ва вақт сарфлашга тўғри келади, мутахассисларнинг ғайрат билан ишлаши талаб қилинади. Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг махсус бўлинмаси — корхоналарнинг банкротлиги ва санация масалалари билан шуғулланувчи махсус ҳукумат комиссияси, республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, молия, солиқ хизматлари худди шундай ишлар билан шуғулланиб келмоқда. Республикамиз хўжалик судлари ҳар ойда хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлиги тўғрисидаги ўнлаб ишларни кўриб чиқмоқда. Раҳбарлари тараққиётнинг истиқболини кўра олмаётган, танг аҳволдан чиқиш йўлини топа олмаётган корхоналарни тугатишга тўғри келмоқда. Бу — меҳнат жамоалари учун жуда ачинарли жараён, албатта.

Ишлаб чиқаришни тўғри ташкил эта олмаслик оқибатида келаётган зарарни қандай камайтириш мумкин? Ишнинг кўзини топиш йўллари қандай? Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш билан шуғулланувчи мутахассислар, жумладан, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги ишлари бўйича қўмита мутахассислари томонидан "Банкротликнинг олдини олиш ёки иқтисодий ночор корхоналарни бошқариш бўйича амалий тавсиялар" ишлаб чиқилган.

Ҳозир корхоналар раҳбарлари столлари устида ётган бу тавсиялардан танг вазиятдан чиқиш, ишнинг барқарор ва самарали бўлишини таъминлашга доир асосий масалаларга аниқ жавоб топиш мумкин. Иқтисодий мавқеи мустаҳкамлашда меҳнат жамоалари қандай ўрин тутиши айниқса муҳимдир. Шу боис бевосита ижрочилар, акцияларнинг эгалари "ҳамма нарса бошлиқларга боғлиқ" деб бутун масъулиятни раҳбарлар зиммасига юклашдан воз кечадиган, ўз иқтисодий саводсизлигимизни тугатиб, таклиф этилган тавсияларни амалда рўёбга чиқаришни ўзимиз назорат остига оладиган пайт келди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, молиявий мадад кўрсатишни сўраб, давлатга мурожаат қилишга шошилмай, қарзга ботмай, маблағни ўз "ҳамён"идан қидирадиган корхоналар юз берган муаммоларни муваффақият билан бартараф этмоқда. Бу иш жамоанинг ҳар бир аъзосини ташвишлантириши керак. Биринчи навбатда энергетика ва хомашё ресурсларини тежаш тўғрисида жон куйдириш лозим, машина-ускуналардан самарали фойдаланиш, тайёр маҳсулотни асраш ҳақида ўйлаш керак. Оддий ходимлар ўз корхоналарида асосий бўлинмаларнинг раҳбарлари аттестацияси қандай ташкил этилгани (агар ташкил этилган бўлса), ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, товар-моддий бойликларни, фойдаланилмаётган асосий фондларни сотиш, ижтимоий-маиший бўлинмалар фаолиятига доир масалаларни ҳал этиш бўйича коллегиал бошқарув органлари қандай ишлаётгани, нарх ва кредит сиёсати, қарзларни узиш қандай амалга оширилаётганлигидан хабардор бўлса, ёмон бўлмас эди.

Корхонани молиявий соғломлаштириш режаси ҳам банкротлик ёқасига келиб қолган корхонадаги ишлаб чиқариш ходимларининг диққат марказида туриши лозим. Бу соҳада кўп нарса меҳнат жамоасига боғлиқ — ўз имкониятларини тўла ишга солишга ва ўз маблағларини жалб этишга, харажатларни камайтирадиган механизмни вужудга келтиришга, айланма маблағни тўлдириш учун бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқишга зўр бериш керак.

Тавсияларда бюджет ижроси устидан қаттиқ назоратни жорий этиш ҳам кўзда тутилган. Бу масалада аниқ бўлимлар, хизматлар, ижрочилар зиммасига алоҳида масъулият юклатилиши зарур. Мураккаб муаммолардан бири — дебиторлик қарзларини бошқариш-дир. Мутахассислар маҳсулот сотиладиган бозорларнинг аҳволини, маҳсулотингиз харидорларини ўрганишни маслаҳат беришади. Агар харидорнинг молиявий аҳволи беқарор бўлса, маҳсулотингизни унга олдин ҳақини тўлагандан сўнг беринг. Молиявий барқарор, доимий ва кўп миқдорда улгуржи харид қилувчиларга фоиз эвазига тижорат кредити бериш мумкин. Қарзини тўлашга шошилмаётганлар билан эса, қарзни улардан солиқ органлари ёрдамида ундириб олса бўлади.

Маълумки, маҳсулот бирлигига кетадиган харажатларни камайтириш тангликдан чиқишнинг омилларидан бири-дир. Бу соҳада ускуналарнинг иш қобилиятини тиклаш, технология жараёнларини барқарорлаштириш, механик ва энергетика нобудгарчилигини камайтириш билан шуғулланувчи муҳандис-техник ходимлар ва бутун жамоа катта иш қилиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси ишлаб турган ускуналар сонини кўпайтириш ва уларнинг унумдорлигини ошириш, материаллар ҳамда ёнилғи-энергетика ресурслари сарфини анча камайтириш имконини беради.

Ниҳоят, зарарсиз ишлаш тамойилини амалга ошириш, харажатларга қарши механизмни вужудга келтириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришдан барча ходимлар манфаатдор бўлиши керак. Шу мақсадда касаба уюшмаси ташкилоти билан биргаликда ишлаб чиқаришда ички хўжалик ҳисоби низоми ишлаб чиқилади. Унда сарф-харажатларни қаттиқ тежашни назорат қилиш, барча ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишга, шунингдек, доимий харажатлар даражасига боғлиқ бўлиши кўзда тутилиши керак.

Санаб ўтилган барча тадбирларни тўла бажариш банкротлик хавфидан қутилиш имконини берибгина қолмай, шу билан бир вақтда корхонанинг иқтисодий равнақини ҳам таъминлайди. Чунки ҳамма нарса меҳнат жамоасига боғлиқ. Яхши маслаҳатлар раҳбарлар столи устидаги қоғозларга аралашиб қолиб кетмаслиги учун уларнинг бажарилишини назорат остига олиш керак.

Г.КОВАЛЬ,
ЎзА мухбири.

Мамлакатимиз банкларига четдан бир назар

Ўзбекистон: МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ҲАҚИҚИЙ ЕТАКЧИ ДАВЛАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Уранниг асосий стратегик заҳиралари ватани бўлган Ўзбекистонда, шунингдек, бошқа бир қанча қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва саноатда фойдаланиладиган металлар, жумладан, олтин ва кумушнинг йирик конлари мавжудлигини Халқаро атом энергияси Агентлиги тасдиқлади. Бу ресурслар автомобиль ва авиация саноатини ривожлантириш билан бир вақтда илгари одатий ҳол бўлган фақат пахта ҳосилига қарамликдан қутулиш имконини бермоқда.

Ўзбекистоннинг советлардан кейинги тараққиётининг яна бир ижобий жиҳати Марказий банкдан ташқари тижорат банкларининг ривожланган тармоғини ўз ичига олган кучли банк тизимининг барпо этилишидир. Ўзбекистон Республикаси Миллий банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки, «Асакабанк», «Пахтабанк» ва Ўзбекистон Халқ банки бу тизимда асосий ўрин тутиб, мамлакат банк секторидаги барча кредит сарфлари ва активларининг 80 фоизга яқин қисми мазкур банклар улушига тўғри келади.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки экспорт-импорт, тикланиш ва тараққиёт банки, айниқса, тижорат банки вазифаларини бажаради. Хорижий инвестициялар тушуми асосан шу банк орқали ўтади. У АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Бельгия, Жанубий Корея, Италия, Чехия, Туркия, Швейцария, Исроил ва Норвегия, шунингдек, йирик халқаро молия ташкилотлари — Халқаро валюта жамғармаси, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банкининг турли кредит линияларига хизмат қилади.

Миллий банк хорижий инвестицияларни жалб этадиган каналлардан бири сифатида ҳукумат кафолати остида экспорт-кредит агентлиги орқали йирик лойиҳаларни (банк ташкил этилгандан буён 1,8 миллиард доллардан кўпроқ кредит битимлари тузилди), шунингдек, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (120 миллион доллар), Осиё тараққиёт банки (50 миллион доллар), Халқаро валюта жамғармаси, КФВ ва бошқалар кредит линияларидан фойдаланиб, кичик ва ўрта бизнес учун лойиҳаларни амалга оширишга хорижий кредитларни жалб этишни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон иқтисоди янги мустақил давлатлардагига нисбатан анча эркин бўлиб, хорижий банкларга Ўзбекистон банклари билан қўшма корхоналарда иштирок этишга рухсат этилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қўшма банкларни, жумладан, "ЎзДЭУбанк", Ўзбекистон-Туркия банки, Ўзбекистон хусусийлаштириш банки, АБН АМРО, Ўзбекистон МБни ва бошқа банкларни ўз ичига олган бутун бир банк тармоғи мавжуд. Бундан ташқари, Ўзбекистонда 14 та хорижий банкнинг, жумладан, Дойчебанк, Чейз-Манхэттен, Кредит Сьюис, Сосьете Женерал, Сакура банк, Берлинербанк ва Коммерцбанкларнинг ваколатхоналари бор. Кўпгина хорижий банклар тез орада ўз ваколатхоналарини очишни режалаштирябти.

Умуман, Ўзбекистон ўтиш давридан муваффақиятли ўтди. У ўз иқтисодиётини босқичма-босқич эркинлаштириб, бошқа собиқ совет республикалари бошига тушган қийинчиликлардан халқини асраб қолди. Ўзбекистон ўз иқтисодиётига ва атроф-муҳитга зарар келтираётган пахта экспортини қисқартирган ҳолда ижобий савдо балансига эришди. Давлат инвестицияси фармацевтика ва автомобилсозлик каби саноатнинг янги тармоқларини рағбатлантириш учун йўналтирилди, ўрта бизнес учун кредит бериш таъминланди. Шу билан бир вақтда бозор иқтисоди тамойиллари асосида қишлоқ хўжалик соҳаси жадал ривожлантирилмоқда (мамлакатдаги давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг 99 фоизи хусусийлаштирилган).

Ўзбекистон ресурсларга ҳамиша бой бўлган, ҳозир эса бу ресурслар Ўзбекистонга "Марказий Осиё иқтисодий маркази сифатидаги" ўз ўрнини сақлаб қолишга ёрдам бермоқда".

* * *

Бу — сўнгги вақтда Ўзбекистондаги молия тизимининг аҳволини таҳлил қилишга бағишланган ягона мақола эмас. Мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш суръатлари жаҳон молия ҳамжамияти томонидан тобора юқори баҳоланмоқда. Махсус иқтисодий нашрларнинг хорижий кузатувчилари ва шарҳловчилари республикамиз банк соҳаси тараққиётини кўрсатувчи уч жиҳатни, айниқса, таъкидлашмоқда. Булар — тез ривожланаётган молия инфратузилмаси, банк соҳасида рақобат учун шароит яратилиши, шунингдек, Ўзбекистон банкларининг ишончлилиги ва барқарорлигидир. Булар шунчаки чиройли сўзлар эмаслигини Ўзбекистон банкларининг халқаро алоқалари мунтазам кенгайиб бораётгани, халқаро молия ташкилотларидан йирик кредитлар олинаётгани тасдиқлаб турибди.

Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг раиси жаноб Келер Тошкентдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида матбуот анжумани чоғида "Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ҳамкорлик учун банкни танлашда қандай мезонга амал қилади?" деган саволга бундай жавоб қилди: "Соғлом банк тамойилларига асосланган, ишончлилик, салмоқлилик талабларига жавоб берадиган банк — Европа Тикланиш ва тараққиёт банки тўла ҳажмда ҳамкорлик қилишга тайёр турган банкдир".

"Биз халқаро молия бозорида нуфузи юқори бўлган банклар билан ва, шубҳасиз, булар сирасига кирувчи Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳамда мамлакатингиздаги ишончли бошқа банклар билан ҳамкорликда ишлашни афзал кўрамиз",— деди ўшанда жаноб Келер.

Бу фақат энг нуфузли халқаро молия муассасаларидан бирининг раҳбари фикригина эмас.

Uzbekistan:
A natural leader in central Asia

Жаҳондаги энг яхши банклар рейтингини эълон қилувчи етакчи халқаро молиявий журнал — "Банкир" ("Financial Times" нашриётининг "The Banker" журнали) нинг январь сонида ишончлилик рейтингида жаноб Келер сўзларининг яна бир тасдиғини топиш мумкин. Мингта биринчи банклар қаторида беш йилдан кўпроқ вақтдан буён жой олган Ўзбекистон Миллий банки ишончлилик рейтинги бўйича етакчи ўринда — жаҳонда иккинчи ўринда турибди.

Яна бир йирик Европа молиявий журнали "Euromoneu" Миллий банкни "Euromomey: Awards for exellence" ("Евромани: энг яхшига мукофот") кубоги ва Ўзбекистоннинг энг яхши банки сифатида махсус сертификат билан тақдирлади.

Лекин дунёда миллий банкимиздан бошқа банкларни ҳам яхши билишади. Хорижий молия тузилмалари ходимлари мамлакатимиздаги бошқа банкларга ҳам эътибор бера бошладилар. Чунончи, "The Banker" журналининг февраль сонида Ўзбекистон банклари рейтинги эълон қилинди.

Унда етакчи гуруҳда мамлакат ички бозорида операцияларни муваффақият билан амалга ошириб, ҳар бири ўз соҳасида салоҳиятини кўпайтириб, молиявий кўрсаткичларини яхшилаётган «Пахтабанк» ва «Ўзуйжойжамғармабанк» тилга олинган. Ўз ихтисосига кўра мамлакат минтақаларида 184 та бўлинмаси бўлган «Пахтабанк» қишлоқ хўжалигида анъанавий фаол мавқени эгаллаб турибди. Мустақиллик йилларида тузилган «Ўзуйжойжамғармабанк» эса, ўз навбатида, ижтимоий соҳани ривожлантириш билан шуғулланмоқда.

Журналда Ўзбекистоннинг бу банклари фаолиятига берилган баҳо уларнинг халқаро талабларга мос келишини кўрсатади, шу муносабат билан КФВ ("Кредитенштальт фюр Видерауфбау" — "Тикланиш банки", Германия) томонидан Ўзбекистонга берилган кредитнинг бўлажак иштирокчилари сифатида белгиланган. Бу банк 1999 йилда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан 15 миллион еврога Ўрта Осиё мамлакатлари орасида дастлабки кредит битимини тузди.

Бу молиявий ташкилотлар — «Пахтабанк», «Ўзуйжойжамғармабанк», Ўзбекистон Миллий банки, шунингдек, «Асакабанк» ва бошқалар мамлакат иқтисодиётининг реал секторида фаол иш олиб бориб, кредит портфелида қайта қуришда инвестицияни таъминлайдиган 50 фоиздан 80 фоизгача узоқ муддатли кредитга эгадирлар.

Лекин мамлакат молия соҳасининг ривожланаётган инфратузилмаси фақат "бизнинг" банкларимизни ўз ичига олмайди.

Мамлакат раҳбарияти бундан бир неча йил олдин хорижий инвесторлар иштирокида бир қанча қўшма банклар тузиш ташаббусини маъқуллади. Бу билан уларнинг ҳар бири молия соҳасининг ўз йўналишида мамлакатимизнинг йирик банклари билан рақобат қилишига кенг йўл очиб берилди. Шу тарика бир вақтнинг ўзида Тошкентда учта банк — "АБН АМРО Ўзбекистон МБ" ва "ЎзДЭУбанк" ҳамда Москвада Ўзбекистон Миллий банкининг филиали — "Осиё-инвест банк" ташкил этилди.

Бирмунча вақт илгари "Рейтер" агентлиги Россиянинг "Профил" журналида келтирилган рейтинг маълумотларини эълон қилди. Унда "Осиё-инвест банк" Россия банклари орасида ишончлилик рейтингида бешинчи ўринни олди. "Рейтер" агентлигининг яқинда берган хабарида эса баланс фойдасининг ўсиши ҳамда "Осиё-инвест банк" низом жамғармасининг кўпайиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (акцияларнинг 81 фоизига эга), Конверсбанк (Россия), "Асакабанк" (Ўзбекистон), "Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамияти ва Навоий кон-металлургия комбинати "Осиё-инвест банк"нинг акциядорларидир.

Россия молия ташкилотларини ларзага солган иқтисодий танглик даврида Москвадаги Ўзбекистон банки барқарор ишлаб турди ва ўз резидентлари тўловларини бир кун ҳам тўхтатмади. Унинг муваффақиятли фаолияти мамлакат раҳбариятининг 1996 йилда шу банкни барпо этиш тўғрисидаги қарори узоқни кўриб қабул қилинганини ва тўғрилигини кўрсатди. Ҳозир банкка асос солишнинг асосий мақсадига эришилди, яъни Ўзбекистон ва Россия ўртасида экспорт-импорт операциялари учун ишончли молиявий тузилма яратилди, деб айтиш мумкин.

Бошқа қўшма банк — "АБН АМРО Банк Ўзбекистон МБ А.Ж." Ўзбекистон-Голландия банки халқаро савдони қўллаб-қувватлаш ва Ўзбекистон иқтисодиётига бевосита инвестицияларни жалб этиш учун тузилган эди. Унинг низом жамғармасининг 30 фоизи Ўзбекистон томонидан унинг муассиси — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига қарашлидир. Банкнинг хорижий муассисларидан бири — машҳур халқаро банклардан ҳисобланган "АБН АМРО Банк" бўлиб, қўшма банк низом жамғармасининг 51 фоизи шу банк мулкидир, қолган қисми эса халқаро молиявий ташкилотлар — Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро молия корпорациясига тааллуқлидир.

"Central European" ("Марказий Европа") журнали "АБН АМРО Банк Ўзбекистон МБ А.Ж." банкини "энг яхши банк" деб атаб, "1999 йилги Марказий Европа мукофотлари" рўйхатига Ўзбекистонни киритди. Бу балансининг ўсишини таъминлаб, бозордаги иштирокини кенгайтираётган банкка берилган мукофоттина эмас, шу билан бирга, Осиё, Россия, Лотин Америкаси молия бозорида бошланган жаҳоншумул таназзул вақтида мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар йўлининг тўғрилигига берилган баҳодир.

Шу ўринда "ЎзДЭУбанк" Ўзбекистон-Корея банки фаолиятини ҳам таъкидлаш жоиздир. Ҳозирги вақтда хорижий матбуотда бу банк асоссиз равишда кам тилга олинмоқда. Ҳолбуки, бу қўшма банк ёш давлатимизнинг ички бозорида бошқа хорижий сармоя иштирокидаги ҳар қандай молиявий ташкилотга нисбатан ҳам ўз бизнесини дадил ривожлантирмоқда. Масалан, "ЎзДЭУбанк" мамлакат ҳукумати ўтказаётган кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш сиёсатига жавобан ўз маблағининг анча қисмини айнан шундай лойиҳаларга ётқизмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, банк тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштириш мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда.

(ЎзА)



ОИЛАВИЙ ПУДРАТЧИЛАР



Деҳқоннинг «қайноқ» кунлари бошланди. Ғаллага ўроқ тушди, ғўза қатор ораларига ишлов бериш муддати келди.

Баҳористондаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида ҳам бугун деҳқонларнинг қўли-қўлига тегмайди. Хўжалик майдонлари оилавий пудратчиларга бўлиб берилган. Шу туфайли ҳар қарич ернинг ўз эгаси бор, эътибордан четда эмас.

Асад Шукуров оиласи пахтачиликка ихтисослашган. Шу кунларда уларнинг ҳаммаси далада: оиланинг онахони Зиёда Сафарова даладагиларга овқат тайёрлайди, қиз ва ўғилдар — отасига кўмакчи.

СУРАТЛАРДА: оиланинг ёрдамчиси ва маслаҳатгўйи — Чўли бобо Холтўраев; ёш сувчи Холмурод Шукуров; ғўзага ишлов берилмоқда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

«КЕП ҚОЛИНГ, ДОРИ СОТАМАН»

Газетанинг 1999 йил 1- май сонида чоп этилган мақола шундай деб номланганди. Унда Тошкентнинг бозор-ўчарларида, кўча-кўйларида махсус рухсатномасиз дори-дармон сотиш хийла кўпайиб кетганлиги танқид остига олинганди.

Ушбу мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигидан жавоб мактуби олинди. Вазирнинг биринчи ўринбосари жаноб Б. Матлюбов имзо чеккан хатда айтилишича, мақола Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан ўрганиб чиқилган. Унда кўрсатилган салбий ҳолатларни бартараф қилиш юзасидан махсус тезкор тадбирлар режалаштирилди. Ушбу режага асосан, вазирлик ва Тошкент шаҳар ИИББ коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ва бошқа тегишли хизматлар ходимлари Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси билан ҳамкорликда шу йилнинг 20-23 май кунлари Тошкент шаҳри бозорларида махсус рейдлар ўтказди. Бу тадбирлар давомида бозорларда ноқонуний равишда дори-дармон сотаётган 21 фуқаро аниқланди ва умумий қиймати 1 млн. сўмга яқин ҳар хил дори-дармонлар мусодара қилинди. Чунончи, «Қорасув» даҳасида истиқомат қилувчи фуқаро Э. Ким «Олой» деҳқон бозорида ноқонуний равишда дори-дармонлар сотаётганида ушланиб, ундан 20 минг 160 сўмлик дорилар далилий ашё сифатида олинди. «Эски жўва», «Паркент», «Қўйлиқ», «Фарҳод» бозорларида фуқаролардан Д. Салганов, F. Кибирова, Р. Қорабоева, Н. Исроиловалар ҳам шундай ҳолатда ушланди. Уларнинг ихтиёрида 38 минг сўмликдан то 189 минг сўмликкача бўлган дорилар бор эди.

Дори-дармонлар билан ноқонуний равишда савдо-сотиқ билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан чора кўриш учун тўпланган ҳужжатлар Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасига юборилди.

Ушбу йўналиш бўйича тегишли тадбирлар давом этмоқда.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

«Мажбурий шартномалар» — газетанинг шу йил 15 май сонида чоп этилган мақола шундай деб номланганди. Унда Ғаллаорол туманидаги «Кўк булоқ» ширкатлар уюшмаси фаолияти ҳақида қатор мулоҳазалар билдирилганди.

ЧЎПОНЛАРНИНГ МЕҲНАТИ МУНОСИБ БАҲОЛАНАДИ

— «Ўзбек қоракўли» компанияси мазкур мақолани атрофлича кўриб чиқди, — дейилади шу компания раисининг биринчи ўринбосари жаноб У. Қодировнинг таҳририятга юборган жавоб мактубида. — Мазкур мақола ширкатлар уюшмаси раҳбар-мутахассислари ва чўпон Т. Абдуллаев иштирокида атрофлича муҳокама этилди. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда хўжаликда кўпгина ижобий ишлар қилинаётган бўлса-да, ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам борлиги таъкидланди.

Мақолада хўжалик томонидан етиштирилган қоракўл тери ва жун маҳсулотлари мажбурий шартномалар асосида «Бухоро-қоракўл» ва «Келес-жун» ҳиссадорлик жамиятларига сотилаётгани кўрсатилган. Ҳақиқатда эса, хўжалик «Келес-жун» фабрикаси билан жун сотиш бўйича 1998 йилда шартнома тузган эмас. 1999 йил учун эса етиштириладиган жунни ўзаро келишилган нархда сотиш бўйича «Келес-жун» фабрикаси билан шартнома тузган.

Жорий йилда хўжалик томонидан етиштирилган қоракўл тери ва жун маҳсулотларини келишилган нархларда сотиш қаттиқ назорат остига олинган. Шунингдек, хўжаликларнинг ўзларида қолган қоракўл тери ва жун маҳсулотларини хоҳлаган ташкилотларга сотиш, юқори баҳоларда экспортга чиқариш ва қайта ишлаш ҳуқуқлари берилган.

Хўжаликларда етиштириладиган қоракўл тери ва жун маҳсулотларини юқори сифатли, экспортбоп қилиб етказиш учун соҳада селекция-наслчилик ишларини яхшилаш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди. Шунингдек, чўпонларнинг машаққатли меҳнати ҳисобга олиниб, жорий йилда етиштирилган қоракўл териларнинг сифатига қараб, ҳар бир чўпонга тегишлича ҳақ тўлаш тартиби жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 15 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	80,10	10 Люксембург франки	31,41
1 Австрия шиллинги	9,21	1 Малайзия ринггити	31,77
1 Англия фунт стерлинги	194,00	1 Германия маркаси	64,79
10 Бельгия франки	31,41	1 Польша злотийси	30,75
1 Голландия гульдени	57,50	1 СДР	162,98
10 Греция драхмаси	3,91	1000 Туркия лираси	0,29
1 Дания кронаси	17,06	1 Финляндия маркаси	21,31
1 БАА дирхами	32,87	1 Франция франки	19,32
1 АҚШ доллари	120,72	1 Швейцария франки	79,36
1 Миср фунти	35,44	1 ЕВРО	126,72
10 Испания песети	7,62	10 Жанубий Корея вони	1,03
100 Италия лираси	6,54	10 Япония иенаси	10,19
1 Канада доллари	82,74	1 Россия рубли	4,97
1 Хитой юани	14,58	1 Украина гривнаси	30,75

****/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

махсус формали кийим-бош учун кўйлакбоп оч кулранг газлама харид қилишга

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Газлама таркибида пахта 33 фоизни, полиэстр 67 фоизни ташкил этиши керак.

Тендерда иштирок этиш истагини билдирганлар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун давомида **173-35-69, 173-35-70 ва 144-98-25** рақамли телефонлар орқали мурожаат қилишларини сўраймиз.

®/1851

НАЗОРАТ

ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР ҲАҚҚОНИЙ ИШЛАТИЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан аҳолининг муайян қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, болали оилаларга ижтимоий ёрдамнинг аниқ берилишини кучайтириш ҳамда бу борадаги чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини оширишга қаратилган бир қатор фармонлар қабул қилинган. «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида», «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида», «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги фармонлар шулар сирасига киради. Республика Молия вазирлиги уларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш юзасидан доимий иш олиб бормоқда.

Жумладан, молия органлари барча турдаги ижтимоий нафақаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириб бормоқда. Назорат-тафтиш бош бошқармасининг бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бошқармаси томонидан эса моддий ёрдамни тайинлашда ижтимоий адолатга риоя этилиши, Халқ банки бўлимлари орқали уларнинг ўз вақтида муҳтож оилаларга етказиб берилиши устидан кенг миқёсда доимий назорат ўрнатилган.

Бунинг натижаси ўлароқ, кейинги йилларда ижтимоий нафақаларни тайинлаш, уларни ўз вақтида маблағ билан таъминлаш, шунингдек, нафақаларни Халқ банки бўлимлари орқали эгаларига етказиб бериш масалаларида жиддий камчиликлар анча камайгани кузатилмоқда.

Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, 1998 йилда ҳам ўзини ўзи бошқариш органларида кам таъминланган ва болали оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларни бажаришда қонун бузилишларига йўл қўйилгани аниқланди. Жойларда айрим маҳалла қўмиталари раҳбарлари, уларнинг котиблари, корхона ва муассасаларнинг масъул ходимлари, қолаверса, баъзи фуқаролар ҳукуматимиз томонидан белгилаб қўйилган тартибни бузиб, нафақа олишга ҳаракат қилишган.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги «Мингчинор» қишлоқ фуқаролар йиғинида (раиси Ш. Ўрозов, котиби А. Турсунов) «Бўстон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида яшовчи 17 нафар фуқаро номига уларнинг йиллик иш ҳақи тўғрисида олинган сохта маълумотномалар асосида 181 минг сўмлик нафақалар тайинланган. Шу фуқаролар йиғинида, шунингдек, туман меҳнат биржасининг масъул ходимлари томонидан нафақаларни тайинлашда унинг белгиланган мезонларига риоя этилиши таъминланмаганлиги туфайли 41 нафар фуқарога 284 минг сўм миқдоридаги нафақа нотўғри тайинланишига йўл қўйилган.

Жиззах шаҳридаги «Калия» маҳалла фуқаролар йиғининг (раиси А. Пирназаров, котиби А. Тўйчиев) махсус комиссияси томонидан Жиззах шаҳридаги пластмасса заводининг 3 нафар ишчиси тақдим этган сохта маълумотномалар асосида 44 минг сўм миқдорида нафақа тўловлари тайинланиб тўланган.

Шу маҳалла ҳудудида яшовчи, Н. Абдуолимов номли жамоа хўжалигида ишловчи 4 нафар фуқаронинг ҳақиқий даромадлари камайтириб кўрсатилиши оқибатида ҳам 36 минг сўм нафақа нотўғри тайинланган. Фуқаро Б. Оқилов Н. Абдуолимов номли жамоа хўжалигида ишламасада, шу хўжаликда ишлаб, иш ҳақи олганлиги тўғрисида сохта маълумотнома тақдим қилган, шу асосда рафиқаси М. Оқиловага 11 минг сўмдан ортиқ нафақа тайинланиб тўланган.

Ушбу икки фуқаролар йиғинида аниқланган қонунбузарликлар тўғрисидаги текшириш ҳужжатлари Жиззах вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди.

Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги «Қадаксин» маҳалла фуқаролар йиғинида (раиси И. Деҳқонов, котиби Р. Толибжонова) фуқаро К. Бешбоевага йиллик даромад камайтириб кўрсатилиши натижасида 10 минг сўмдан ошиқ нафақа нотўғри тўланган.

Шу вилоятнинг Шаҳрихон туманидаги «Чума» қишлоқ фуқаролар йиғинида (раиси О. Усмонов, котиби Х. Мадраҳимов) 4 нафар фуқаронинг йиллик даромадлари сунъий равишда камайтириб кўрсатилиши оқибатида уларга жами 13 минг сўм миқдорида нафақа нотўғри тўланган.

Самарқанд шаҳрининг Боғишамол туманидаги Саъди Шерозий номли маҳалла қўмитасида (раиси Х. Маҳмадиёров, котиби Х. Шарипова) 5 нафар фуқарога болалар сонини ошириб кўрсатиш натижасида 36 минг сўм, 9 нафар фуқарога иш ҳақини нотўғри кўрсатиш оқибатида 127 минг сўм, 15 нафар фуқаро имзоларини қалбакилаштириш йўли билан 40 минг сўм миқдоридаги нафақа маблағлари ноқонуний сарфланган. Ушбу текшириш ҳужжатлари ҳам қонуний чора кўриш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди.

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги 2-сонли маҳалла қўмитаси раҳбари Э. Норинбетов, унинг котиби С. Аҳметовалар 1998 йилнинг 3-4-чораги давомида ўзларига кам таъминланган оилаларга мўлжалланган маблағдан 15,7 минг сўмдан нафақа тайинлаб, ўз вақтида олиб турганлар. Айни пайтда С. Аҳметова ўзи рўйхатда турувчи 3-сонли маҳалла орқали ҳам 14,9 минг сўм миқдорида 16 ёшгача болали оилаларга мўлжалланган нафақани олган.

Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласида кам таъминланган, болали оилаларга мўлжалланган нафақаларни кимларга тайинлаш ва тўлаш масаласини маҳалла қўмитаси раиси Т. Ботировнинг якка ўзи ҳал қилиб келган. 1998 йил сентябрь ойининг ўзида Т. Ботиров томонидан 9 фуқарога 90 минг сўм миқдорида моддий ёрдам пули тайинланиб тўланган.

Бу мисоллар шундан далолат бермоқдаки, ўзини ўзи бошқариш органларининг айрим раҳбарлари ўзларига билдирилган катта ишонч ва масъулиятни суиистеъмол қилиб, ҳукуматимиз томонидан аҳолининг энг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш учун ажратилаётган кўп миқдордаги бюджет маблағларини нотўғри сарфлашга ҳаракат қилганлар.

Ўйлаймизки, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, болали оилаларга ижтимоий ёрдамнинг аниқ берилишини таъминлашга мутасадди бўлган маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг масъул ходимлари ижтимоий нафақаларнинг фақат ҳаққоний ишлатилишини таъминлаб, жамиятимизда ижтимоий адолатни қарор топтиришга муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Равшан ЗАЙНИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.



Ўлкамизга бутун сепини ёйиб Ҳазрати Ёз ҳам кириб келди. Сувлар тиниқлашди, чўғурчуқлар сайроғи ҳам пасайди.

Табиатдаги жамики жониворлар ёз қуёши тафтидан баҳра ола бошлади.

Хуллас, бор таровати, бор саховати билан келган ёз бизга ҳам, табиатдаги барча жониворларга ҳам мўл-кўлчиликдан ваъдалар бераётир.

Зеро, бу йилгиси оддий фасл эмас, Мустақиллигимизнинг саккизинчи ёзидир!

Халқаро олимпия қўмитасининг 105 йиллигига

Ҳаракат ҳаёт демакдир

Ўтган якшанба куни пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Тошкентнинг барча туманларидан энг кучли югурувчилар мусобақасининг иккинчи босқичи бўлди. Унда шаҳардаги меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида бўлиб ўтган дастлабки мусобақаларда ғолиб чиққан спортчилар иштирок этди. Мусобақа иштирокчилари орасида 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган спортчилар, ундан кексалар ҳам бор эди.

13 июнь тонггида карнай, сурнай ва доира садолари янгради. Спорт байрамига пойтахтнинг 14 туманидан вакиллар келишди. Турли ёшдаги мингга яқин спортчилар мусобақага тайёргарлик кўра бошладилар. Томошабинлар эса икки баравар кўп эди. Мусиқа янграйди, пойга иштирокчилари кайфияти баланд. Ҳамма ғалабани, финалга чиқишни орзу қилади.

Командалар мусобақа бошланишига бағишланган тантанали парадга саф тортадилар. Сўзга чиққан нотиқлар мамлакатимиз мустақилликка эришгач, чинакам оммавий спорт ҳаракати бошланганини таъкидладилар. Туманларда ҳар ҳафтада ўтаётган югуриш бўйича мусобақалар бунинг далилидир. Югуриш бўйича машғулотларга ёшлар тобора кўпроқ жалб этилаётгани қувончлидир.

Мусобақа бошланади. Биринчи бўлиб ёши 20 дан 39 гача бўлган эркаклар югуришни бошлаб берадилар. Бу мусобақада "Динамо" спорт клуби вакиллари В.Медведев, А.Алимов ва Т.Ҳусенов ғолиб бўлдилар.

Фахрия аёллар ҳам яхши натижалар билан мухлисларини хурсанд қилдилар. Бундай мусобақаларда кўп марта иштирок этган 63 яшар Л.Полонская ўзидан анча ёш спортчи аёлларни орқада қолдириб кетди.

Ёши етмишга етган ва ундан ошган фахрийлар — эркак спортчиларга старт берилади. Уларнинг орасида Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунунининг 73 ёшли профессори Ф.Беккулбеков, югуриш ҳаваскорларининг "Кентавр" клуби аъзоси 84 ёшли В.Подколзинлар бор. Улар ўзларининг турмуш тарзлари билан спортни тарғиб қилмоқдалар.

Мусобақалар давом этади. 11-13 ёшли қизлар стартга чиқадилар. Лекин уларнинг орасида 10 яшар Е.Пахоменко ҳам бор эди, у маррага учинчи бўлиб етиб келди.

— Югуриш спортнинг ҳамма шуғулланиши мумкин бўлган туридир, — деди мусобақанинг бош ҳаками Г.Арзуманов. — Олимпия ҳаракатини оммалаштириш зарур. Бугун мамлакатимизнинг жуда кўп шаҳарлари ва туманларида югуриш бўйича ярим финал мусобақалари ўтмоқда. Биз, мусобақа ташкилотчилари жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга бағишланган республика кенгаши иштирокчиларининг мурожаатини қўллаб-қувватлаймиз ва аҳолини оммавий равишда жисмоний тарбиялаш тўғрисидаги ғамхўрлиги ва эътибори учун Президентимиздан миннатдормиз. Биз одамларнинг маънавий ва жисмоний камол топиши учун бор кучимизни сарфлаймиз, деб ваъда берамиз.

20 июнь куни шу ерда Халқаро олимпия қўмитаси тузилганининг 105 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган еттинчи Ўзбекистон олимпия югуриш куни республика финал мусобақалари бўлади. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма командалари иштирок этадилар.

Ҳакима ИМОНГУЛОВА.
(ЎзА)

МИЛЛИЙ МУСИҚАМИЗ ФАХРИ

Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон давлат академик халқ чолғу оркестри раҳбари, республикада хизмат кўрсатган артист Фаруқ СОДИҚОВ билан мулоқот

— Фаруқ Тожиевич, аввало, оркестрнинг ижодий фаолияти ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Олтмиш йил давомида оркестр хийла мураккаб, шу билан бирга, шарафли ва сермазмун ижод йўлини босиб ўтди. Таниқли санъаткор, халқ чолғуларининг фидойиси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор И. Петросянц ташаббуси билан 1939 йилда ташкил этилган ушбу бадиий жамоа республикамизда мусиқа санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— Оркестр дастурларида қайси бастакорлар асарлари ўрин олган? Ўз навбатида бугунги ижодий сафарлар натижалари қандай бўлаяпти?

— Ижодий дастуримизда халқ куй ва қўшиқлари, ўзбек бастакорларининг асарлари билан бир қаторда, жаҳон мусиқа маданияти намуналари ҳам алоҳида ўрин тутади. Бир қатор мусиқа даҳоларининг асарларини оркестр созандалари нозик дид билан талқин этишмоқдаки, унда сайқал топган оҳангдорлик ва техникавий маҳорат замирида тинимсиз ижодий изланишлар мужассамлашган. Оркестрнинг ўзбек бастакорлари билан ҳамкорлиги мусиқа маданиятимизда янги саҳифалар очди. Натижада миниатюралардан тортиб, симфониятача бўлган, оркестрнинг ижро имкониятларини очувчи қатор янги асарлар яратилди. С.Бобоев, Б. Гиенко, И. Акбаров, С. Жалил, Т. Қурбонов ва бошқа композиторлар асарлари шулар жумласидандир. Кейинги пайтларда айниқса, оркестрнинг ижодий сафарлари чегараси анча кенгайди. Хусусан, Ўрта Осиё давлатлари, Марказий Россия ва Сибирь, Узоқ Шарқ ва қутб орти, Украина, Белорусь, Кавказорти республикаларига қилинган ижодий сафарлар фикримизнинг далилидир. Шунингдек, унинг турли халқаро мусиқа фестивалларининг лауреати бўлганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Мана, сиз йигирма уч йилдан буён оркестрга раҳбарлик қилиб келасиз. Хўш, шахсан ўзингиз жамоангизнинг ана шу даврдаги фаолиятини қандай баҳолайсиз?

— Профессионал ижрочилик соҳасида эришган катта ютуқлари ва кенг оммани эстетик руҳда тарбиялашдаги муваффақиятлари учун жамоамиз 1980 йилда давлат оркестри, 1991 йилда эса академик оркестр унвонлари билан тақдирланди. Бизнинг ранг-баранг дастурларимиз, таниқли хонанда ва созандалар билан ижодий мулоқотимиз натижасида шу чоққача 18 та улкан диск (грампластинка) дунё юзини кўрди ва миллий мусиқа санъатимизнинг ноёб хазинасига айланди. 1986 йилда оркестр ижросида «Мусиқали палитра» фильм-концерти суратга олинди. 1990 йили эса оркестрнинг ярим асрлик репертуаридан олинган иккита партитура тўплами босмадан чиқарилди.

Жамоанинг сўнгги йиллардаги ижоди анча сермаҳсул кечди. Хусусан, 1993 йилда ўтказилган халқаро мусиқа фестивалининг лауреати бўлди. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, халқимизнинг севимли хонандалари Ҳ. Носирова, С. Қобулова, О. Алимахсумовларнинг оркестр билан биргаликда босиб ўтган ижод йўлини бугунги кунда М. Йўлчиева, М. Раззоқова, Г. Эрқулова каби ёшлар давом эттиришмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон давлат академик халқ чолғу оркестрининг сермазмун фаолияти ўзбек миллий мусиқа маданиятининг ажралмас қисми бўлибгина қолмай, унинг тарихи саҳифаларидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Садбархон ЖЎРАЕВА суҳбатлашди.



ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН

Мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон андозалари даражасига кўтаришда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Самарқанд давлат чет тиллар институтида эътиборга лойиқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда бу ерда "Хорижий таълимнинг долзарб муаммолари" мавзуида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

Унда АҚШ, Буюк Британия, Италия, Германия, Япония, Ҳиндистон, Туркия, Миср, Жанубий Корея ва республикамизнинг турли олий ўқув юртларидан ташриф буюрган нуфузли олимлар, мутахассислар қатнашди. Анжуман иштирокчилари хориждаги таълим тизимларининг ўзига хос томонлари, чет элларда тил ўргатишнинг долзарб муаммолари, илғор педагогик технологиялар ва уларни республикамиз шароитида қўллаш имкониятлари ва истиқболлари тўғрисида фикр алмашдилар.

Ҳамза ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.

Мўъжиза

ИККИ ТУМШУҚЛИ, УЧ КЎЗЛИ ... БУЗОҚЧА

Дунё ажойиботларга тўла деганлари шу-да. Наманган шаҳрида яшовчи Ҳамидулла Жўраев хонадонида парваришланаётган сигир ғаройиб бузоқ туғиб, ҳаммани ҳайратга солди. Янги туғилган ола тусдаги бузоқнинг биологик тузилиши ғайритабиий: калласи одатдагидан каттароқ, тумшуғи иккита, энг қизиғи кўзи — учта. Шундан бери бу ҳовлидан томошаталабларнинг оёғи узилмай қолди.

Ҳамидулла ака шаҳардаги «Экстрактёг» ҳиссадорлик жамиятида ишлайди. Оила аъзолари ғаройиб бузоқчани меҳр билан парвариш қилишмоқда.

Божхона

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН...

Қирғизистонлик Насибахон Дадабоева шу кунларда пиёзнинг сувини кўзига суртганча кўз ёши қилиб юрибди. Сабаби — унинг бу галги Андижон сафари бароридан келмади. У юз минг сўмликдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотларини Қирғизистонга олиб ўтиб кетаётган пайтда божхона ходимлари томонидан ушлаб қолинди. Ўшлик Иброҳим Жалолов, Азим Қўчқоров, Фахриддин Хурбоев, Абдуманноб Ориповлар ҳам бир неча юз минг сўмлик халқ бойлигини, ризқ-насибасини четга чиқариб, бойлик орттирмоқчи бўлганларида тумшуғидан илинишди.

Энди уларнинг ҳаммаси қилмишидан пушаймон бўлиб ўтиришибди. Афсуски, бундан фойда йўқлигини улар кеч тушуниб етишди.

БОЛАЛАР ДАМ ОЛИШАЯПТИ

Хоразм вилоятининг хушманзара жойларида бешта дам олиш зонаси болаларни қабул қилишга тайёрлаб қўйилди. Натижада қишлоқ болаларидан бир неча юзтаси одатдагидан бир ҳафта илгари дам олишни бошлади.

Бу йил ёзда дам олиш лагерларида ҳаммаси бўлиб 24 минг бола ҳордиқ чиқаради. Камхарж оилаларнинг 1500 ўғил ва қизлари Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги тоғларда жойлашган лагерларда дам оладилар.

Т. ШАМАКОВ, ЎзА мухбири.

ТЕННИС

ҲОКИМ КУБОГИ УЧУН БЕЛЛАШДИЛАР

Раҳбарингиз спортни севадими? Наманганда бу саволга дадил жавоб қайтарадиган меҳнат жамоалари сони кўпаймоқда. Уларнинг етакчилари бўш вақтларини «Дўстлик» теннис клубида ўтказиб, катта ракетка сирларини ўрганмоқдалар. Ўтган ҳафта теннис бўйича вилоят ҳокими кубоги учун ўтказилган мусобақаларда 70 дан ортиқ ташкилот, корхона ва муассасаларнинг 150 нафарга яқин вакиллари иштирок этишди.

Тўрт кун давомида олимпиада қоидаларига мувофиқ ташкил этилган ўйинларда «Тусор» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси директори Омонжон Носиров вилоят ҳокими кубогини қўлга киритди. «Дўстлик» теннис клуби президенти Аҳмаджон Зиётов иккинчи, «Наманган почтаси» ҳиссадорлик жамияти вакили Одилжон Лутфуллаев учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Вилоят ҳокимлиги ва теннис федерацияси бундай мусобақаларни ҳар йили ўтказишга қарор қилди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АЛОҚА ХИЗМАТИ ПАКЕТИ

"UZPAK" алоҳида телефонлар тармоғи

UZPAK

ПГСПД "UZPAK" — маълумотларни узатиш тармоғи миллий оператори мақомига эга.

"UZPAK" АТТ абонентларига қуйидаги хизматлар таклиф этилади:

ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ: МАҲАЛЛИЙ ШАҲАРЛАРАРО ХАЛҚАРО

қисқартирилган (беш рақамли) ва тез чақирув хизматидан фойдаланилади.

АЛОҲИДА ВА КОММУТАТОРЛИ КАНАЛЛАР ОРҚАЛИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ЮКСАК ДАРАЖАДАГИ ТЕЗЛИК БИЛАН УЗАТАДИ.

ФАКСИМИЛЛИ АЛОҚА.

ИНТЕРНЕТ.

АФЗАЛЛИКЛАРИ:

- хонадонларда лента ҳеч қачон банд бўлмайди
- рақамли биринчи терилишдаёқ алоқа уланади
- юксак тезликдаги ва узлуксиз алоқа
- барча мижозлар бўйиб алоқада ҳаваскор
- коммутатори каналлар орқали Тошкент шаҳри ва ҳаётий марказлари "Internet" тармоғига киришади
- ҳамма фойдаланадиган шаҳар телефон тармоғидан "UZPAK" АТТ лимитига чиқиши.
- Ўзбекистон Республикасида қайси йўқ, умумий алоқа тармоғи доирасидан ҳамма — бепул

Манзил: 700011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 28-а.
ПГСПД "UZPAK". Факс (371) 144-82-87; тел. (371), 144-82-88

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ПРОГРАММАСИ»

республика танловини эълон қилади

Мулкий шаклларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган ташкилот, муассаса ва идоралар ҳамда танловда қатнашиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча фуқаролар таклиф этилади.

Таклифлар 1999 йил 31 октябрягача қабул қилинади.

Танлов шартлари ва бошқа маълумотлар билан «Инфо-Фан» ахборотлаштирилган технологиялар марказида танишишингиз мумкин.

Бизнинг манзилгоҳ: 700017, Тошкент шаҳри, Х. Сулаймонова кўчаси, 29. Тел.: (371) 139-19-52, (ички-19-52), факс: (371) 139-17-73, e-mail: bakhrom @ ttesilk.org

Ўзбекистон ёшларининг «КАМОЛОТ» жамғармаси «КАМОЛОТ- МЎТТИ» студияси 1999 йил 24-25-26 июнь кунлари Ўзбекистон халқ артисти Наби Раҳимов хотирасига бағишлаб «ҚИЗИҚЧИ-99» кўрик-танловини ўтказади.

Танловнинг 1- босқичи вилоят ва шаҳарларда 20 июнга қадар якунланади.

Унда 35 ёшгача бўлган ёшлар қатнашади.

Танловда иштирок этишни хоҳлаганлар «Камолот» жамғармасининг жойлардаги бўлинмаларига мурожаат қилишлари мумкин.

Саҳналаштирувчи режиссёр: Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси мукофоти совриндори — Шерали Ҳожиев. Сўровлар учун тел: 41-08-61.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси республика телевидениеси Бош директорининг биринчи ўринбосари Т.Жабборов (Тўра Мирзо)га онаси **МАРҲАБОХОН аянинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Й. Охунбобоев номидаги республика тиббиёт билим юрти жамоаси етакчи ўқитувчи **Шомурот ЮНУСОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Озиқ-овқат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси — очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси «Урганчёғ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти собиқ раиси **Тельман МУСАЕВнинг** бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, яқинлари ва дўстларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0456, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — Ф. САНАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 1.00
1 2 3 4 5 6